

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIV VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI  
NAVOIY DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI**



**“ZAMONAVIY TARIX FANI  
METODOLOGIYASINING  
DOLZARB MUAMMOLARI”**

**mavzusidagi  
RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY  
KONFERENSIYA**

**MATERIALLARI**

**(2021-yil 24-mart)**



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI  
NAVOIY DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI  
TARIX FAKULTETI  
TARIX O‘QITISH METODIKASI KAFEDRASI**

**ZAMONAVIY TARIX FANI METODOLOGIYASINING  
DOLZARB MUAMMOLARI**

**mavzusidagi**

**Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari**

**2021-yil 24-mart**

**NAVOIY-2021**

5. Сулаймон Амиркулович Ҳайдаров. (2020). Тарих дарсларида интеграциялашган технологиялардан фойдаланиш. *Science and Education*. 1(8). 666-671
6. Ҳайдаров С. (2020). Ўзбекистон тарихи дарсларида педагогик технологияларни уйғунлашган ҳолда қўллашнинг методик талаблари. *Academic Research in Educational Sciences*. 1 (3). 1313-1321.
7. Ҳайдаров Сулаймон Амиркулович. (2020). Тарих фанини ўқитишга оид экологик муаммолар масаласи «Scientific Progress» *Scientific journal* 1(1). 12-17.
8. С.А. Ҳайдаров. (2020). Тарих дарсларида тасвирий санъат асарларидан фойдаланиш. *Science and Education*. 1(9). 458-461.
9. Ҳайдаров Сулаймон Амиркулович. (2021). Ўзбекистон тарихи фанини ўқитишда тасвирий санъат асарларидан фойдаланишнинг ўзига хослиги «Scientific Progress» *Scientific journal* 1(3). 9-14.
10. Khaydarov S.A. (2021). The role of the use of fine arts in teaching the history of the country. *International scientific and practical conference. CUTTING EDGE-SCIENCE. Conference Proceedings*. Page 41-43.
11. Ҳайдаров. С. (2021). Ёшларда ватанпарварлик ҳиссини тарбиялашда “Бобурнома” асарига ишланган миниатюраларнинг аҳамияти. Халқаро илмий-амалий конференцияси тўплами. 33-37 б.
12. Ҳайдаров. С. (2021). Заҳриддин Муҳаммад Бобур хорижлик татқиқотчилар нигоҳида: подшоҳлик мўйқалами. Халқаро илмий-амалий конференцияси тўплами. 43-46 б.
13. Сулаймон Ҳайдаров. (2020). Ўзбекистон тарихи фани дарслари самарадорлигини оширишда тасвирий санъат воситаларининг роли. *Science and Education*, 1(6), 174-179.
14. С.А. Ҳайдаров. (2020). Педагог-ўқитувчиларда ахборот-коммуникация кўникмасини шакллантириш асослари. "Science and Education." *Scientific journal*. 1(7). 610-617

## ТАРИХ ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТУРКУМЛАНИШИ

**М.Бешимов,**

**Бухду, Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси**

### *Аннотация*

Таълим методлари ўқув тарбия жараёнининг таркибий қисми ҳисобланиб улар таълим мақсади, вазифаларини амалга ошириш, ўқув материаллари мазмунини ўзлаштириш хизмат қилади.

**Калит сўзлар:** метод, усул, таълим методлари, тарихий тадқиқотлар, *билиш, маъруза, суҳбат, оғзаки ўқитиш*.

*Метод* юнонча – “metodos” сўздан олинган бўлиб, изланиш, билиш йўли, назария, таълим, бирор нарсага йўл маъносини англатади. Аниқ вазифани ечишга бўйсундирилган, борлиқни амалий ёки назарий ўзлаштириш йўллариининг йиғиндисидир. Шунингдек, мақсадга эришишнинг аниқ, қисқа ва мақбул йўли ҳисобланади. Метод-тарихий тадқиқотлар жараёнида аниқ мақсадга олиб борувчи усуллар ва жараёнлар йиғиндисидан иборат. Ўқитиш методи эса таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг маълум мақсадга эришишга қаратилган биргаликдаги фаолият усуллари ёки таълимда мақсадга эришиш, масалаларни ҳал қилиш йўллари, усуллари тушунилади. Ўқитиш методи таркибида усуллар алоҳида ажралиб туради.

Усул - методнинг таркибий қисми, методни амалга оширишда бир мартагина қўлланиладиган ва алоҳида қадам ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, ўқитиш методлари ҳар иккала фаолиятнинг, яъни ўқитувчи томонидан ўқувчиларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, уларда илмий дунёқарашни шакллантириш ҳамда ўқувчилар томонидан ўша назарда тутилган илмий билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш фаолиятида қўлланиладиган усулларни ўз ичига олади.

Педагогикага оид адабиётларда ўқитиш методларига катта аҳамият берилади. Дидактика билан шуғулланувчилар методни ўқув жараёнининг ўзаги, кўзланган мақсад ва пировард натижани боғловчи восита деб изоҳлайдилар. *Ўқитиш методи “ўқитишнинг мақсади – мазмуни, методи, шакли, усуллари” тизимида муҳим ўрин эгаллайди. Ўқитиш методи – мураккаб, кўп қиррали, кўп сифатларга эга бўлган таълимдир. Ўқитиш методида ўқитишнинг объектив қонуниятлари, мақсадлари, мазмуни, тамойиллари, шакллари ўз аксини топади.*

*Ўқитиш методи “ўқитишнинг мақсади – мазмуни, методи, шакли, усуллари” тизимида муҳим ўрин эгаллайди. Ўқитиш методи – мураккаб, кўп қиррали, кўп сифатларга эга бўлган таълимдир. Ўқитиш методида ўқитишнинг объектив қонуниятлари, мақсадлари, мазмуни, тамойиллари, шакллари ўз аксини топади. Методлар бошқа дидактик категорияларга диалектик боғлиқ ва бири биқаларини тақозо қилади, яъни ўқитишнинг мақсади, мазмуни, шакли ҳосиласи сифатида методлар дидактик категорияларга акс таъсир кўрсатади.*

Таълим методлари ўқув тарбия жараёнининг таркибий қисми бўлиб, уларсиз таълим мақсади, вазибаларини амалга ошириш, ўқув материаллари мазмунини ўзлаштириш мумкин эмас. Таълим методи воситасида ўқитувчи ва ўқувчининг фаолияти ўзаро мувофиқлашади. Таълим методи - ўқитувчи ва ўқувчиларнинг маълумот мазмунига йўналтирилган фаолиятни тартибга солиш йўлидир.

*Айрим адабиётларда педагоглар томонидан “метод” билан “усул” тушунчаларини чалкаш ишлатиш ҳолатлари мавжуд. Ўқитиш методларини муваффақиятли амалга ошириш албатта унинг усулларининг маҳорат билан қўлланилишига боғлиқ.* Аксарият педагоглар - метод тушунчасини – “усул” деб таржима қилиб ўзларини ва тадқиқотчиларни ҳам чалғитадилар. Бизнингча метод тушунчасини таржима қилиш керак эмас. Таълимда методлар тизимидан кенг фойдаланилган тақдирдагина таълим-тарбия ишлари соҳасида натижарга эришиш мумкин. Г.Фузаилованнинг “Тарих ўқитиш методикаси” номли ўқув қўлланмасида анъанавий методлар умумлаштирилиб тўртга ажратилиб методлар ва уларнинг усуллари аниқ кўрсатилган.

*Таълим методлари тизими деб, энг муҳим умумий белгилари билан ўзаро боғланган, бир-бирига таъсир кўрсатадиган методлар гуруҳига айтилади.* Бу методларнинг умумий муҳим белгилари - ўқитиш ва ўрганиш усуллари ҳамда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг тафаккур фаолиятидан иборатдир. Ўқитиш методлари усуллари ва ўқувчилар тафаккур фаолиятининг турли шакллари ўртасидаги ўзаро алоқа ва уларнинг бир-бирига кўрсатадиган таъсири асосида бир тизимдаги методларнинг ўзаро боғлиқлиги юзага келади. Таълим тизими тажрибасида кўрсатмалли ўқитиш деярли ҳеч қачон ўқитувчининг баёнисиз қўлланилмайди, ўқитувчининг баёни ҳам доим кўрсатмалли воситаларга суянади. Ўқувчиларнинг техника воситалари, матнлар ва бошқалар устидаги амалий фаолияти таълимнинг кўрсатмалли ва оғзаки усуллари билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

*Тарих ўқитиш методлари классификацияси.* Ўқитиш методлари ва усуллари орқали ўқитувчининг ўқитиши ва ўқувчиларнинг ўрганиши ёки билиш фаолияти ташкил этилади. Ўқитиш методлари - ўқитувчининг фаол фикрлаши асосида ўқувчиларни ўқитишга, ўқувчиларнинг илмий билимларни ўзлаштириши ва амалда қўллай билишларига, дунёқараш ва эътиқод ҳосил қилишларига, ақлий ва жисмоний меҳнат, кўникма ва малакаларини эгаллашларига, билиш ва ижодий қобилиятлари ўсишига ёрдам беришни таъминловчи усулларидан иборатдир.

Методларни қуйидаги икки катта йўналишга таснифланади:

1) *Билиш (англаш) манбаига кўра:* оғзаки, босма матнлар билан ишлаш, кўрсатмалли, амалий методлар;

2) *Билиш (англаш) фаолиятининг босқичларига кўра:* иллюстратив тушунтириш, репродуктив (тайёр билим бериш), муаммоли, қисман изланиш, илмий-тадқиқотчилик.

Тарих ўқитиш методлари классификацияси ҳақида педагоглар турли фикрларни билдирганлар. Бир-бири билан боғланган ўқитиш методларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1) *оғзаки ўқитиш методи,* (ҳикоя, монолог, диалог, суҳбат, сюжетли ҳикоя, таҳлил қилиб тушунтириш, тарихий манбалар билан ишлаш; тарихий адабиётлар, тарихий ҳужжатларни изоҳлаш) *Оғзаки баён методи* - ўқитувчининг хотирасига мўлжаллаб ташкил этилади, тузилиш жиҳатидан уларнинг таркиби бир хил: ўқитувчи тушунтиради, ўқувчилар тинглайдилар.

*Ҳикоя.* Баён шаклидаги ҳикояда ўқитувчи ўқув материали мазмунини турлича айтади, унинг асосий ва иккинчи даражали хусусиятларини изоҳлайди.

*Маъруза* жараёнида ўқувчиларнинг фаоллиги, ташаббускорлигини ошириш мақсадида ўқитувчи ўз нутқини кўрсатмалли қурол, муаммо ва топшириқлар билан уйғунлаштиради. Кўриниб турибдики, бошқа методлар, хусусан кўрсатмалли ва амалий методлар ҳам жалб этилмоқда. Ўқув материалига оид ибораларга изоҳ бериш, айрим ўринларда ўқувчиларнинг ўзларига хулоса чиқаришни таклиф этиш ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятининг самарасини оширади.

*Суҳбат.* Суҳбат ўқитувчи ўқувчининг ўзаро таъсири диалог шаклидаги таълим методидир. Унда мавзу мазмунига ҳос, атрофлича ўйланган, бир-бирига боғлиқ саволларни қўйиш ва саволларга жавоб излаш ҳамда жавоб қайтариш йўллари билан ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти ўзаро мувофиқлашади. Суҳбат эвристик ҳам бўлади. Яъни, бунда ўқувчиларнинг тафаккурига мўлжалланган усул бўлиб, унда ўзаро таъсир ўқитувчи саволлари ўқувчиларнинг жавоблари шаклида амалга оширилади. Эвристик суҳбат узоқ тарихга эга бўлиб, ундан қадимги Юнонистонда Сукрот моҳирона фойдаланган. У ҳозирги илмий-дидактик тадқиқотларда —изланиш суҳбатидеб ҳам юритилади. Эвристик суҳбатнинг қатор ижобий томонлари бўлиб, ижодий йўл билан ўқув материални ўрганиш, ўзлаштиришнинг индивидуал характер касб этиши.

2) кўрсатмалли таълим методи (жадваллар, шартли-график иллюстрациятив кўргазмалилик, сурат таҳлили, расм, тарихий хариталар билан ишлаш);

*“Кўрсатмалли метод”* - минг марта эшитгандан кўра бир марта кўрган яхши, - деган нақлга амал қилган ҳолда фақат оғзаки баён методли дарсда материалларни ўзлаштириш кўрсаткичи 10%, бўлган шароитда дарс ўтиш самарасиз бўлади. Машгулотларда ўқув материални кўргазмали шаклда тақдим этиш лозим. Айниқса тарих фанида анъанавий дидактик материаллардан ташқари замон билан ҳамнафас бўлган ҳолда

намоишли (компьютер ва ахборот коммуникация технологиялари) кўрсатмалик бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир. Кўрсатмалилик дидактикада энг асосий қоида бўлиб, унинг ёрдамида кўрув ўқуви ва ва тафаккур ўзаро уйғунлашади. Кўрсатмали методлар эшитиш ва кўришни ўзаро уйғунлаштириш воситаси ҳисобланади. Шу туфайли ундан билимларни оғзаки баён қилиш методлари билан ёнма-ён фойдаланиш тарих таълимнинг самарадорлигини оширади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Асқарова Ў.М., Хайитбоев М., Нишоннов М.С. Педагогика. – Тошкент: Талқин, 2008. – Б. 81-87.
2. Сағдиев А., Фузаилова Г., Ҳасанова М. Тарих ўқитиш методикаси. – Тошкент: ТДПУ, 2008. – Б. 48-61.
3. Ахметова К.И., Файзуллаева Д.М., Хошимова Д.П. Олий ўқув юртида инновацион таълим технологиясини лойиҳалаштириш, режалаштириш ва уни амалга ошириш мавзуси бўйича ўтказиладиган тренинг машғулотининг таълим технологияси: Услубий қўлланма /«Иқтисодий таълимда ўқитиш технологияси» сериясидан. - Тошкент: ТДИУ, 2010. - 80 б.
4. Муҳаммаджонов А. Тарих фалсафаси маънавият кўзгуси. – Т.: Ўзбекистон, 2015. – 278 б.

## ПРЕСС-КОНФЕРЕНЦИЯ ДАРСИ ВА УНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

А.А.Ҳомидов - т.ф.н., доцент

Ж.А.Абдукаримов - т.ф.н., доцент

Академик Б. Ғафуров номидаги Хўжанд давлат университети

### Аннотация

Олийгоҳларда ўтиладиган ўқитишнинг интерактив услубларидан бири бу пресс-конференция дарсидир. Бу дарсда талабалар олим, олималар ролида иштирок этиб, мавзуга доир баҳс, мунозаларда фаол иштирок этадилар. Пресс-конференция ўрта умумтаълим мактабларида 9-синфда ўқитиладиган умумий тарих мисолида кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар:** Пресс-конференция, матбуот дарси, методика, педагог, ўқувчилар.

Ўсиб келаётган ёш авлодни жаҳон андозаларига мос шароитларда билим олишини, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб улғайишини таъминлаш, қобилият ва иқтидорини, интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, қалбида она-юртга садоқат ва фидойилик туйғуларини шакллантириш борасида амалга ошириладиган бекиёс саъй-ҳаракатлар замирида ҳам ана шу эзгу мақсад мужассамдир [1, 3].

Олий ўқув юрти талабаларига замонавий таълим технологиялари ҳақида маълумот беришда тарих ўқитиш методикаси фани катта ёрдам беради. Тарих дарсида ташкил қилиниши мумкин бўлган янги замонавий дарслардан бири бу матбуот дарсидир [2,21-24]. Бу дарс ўқув йилининг бошида ўқитувчи томонидан йиллик режага киритилади. Матбуот дарслари кўпроқ 9-10-11 синфларда ташкил қилинса мақсадга мувофиқ бўлади. Хўш, бу дарс қандай тартибда ўтказилади? Дарс мавзуси, муддати бир ҳафта олдин ўқувчиларга айтилади. Синф ўқувчиларидан аълочилари ўқитувчи томонидан танлаб олинади. Бу танланган аълочи ўқувчиларга ўқитувчи дарс мавзусига пухта тайёрланишларини айтади, чунки улар бу дарсда билимдон, ўз соҳасини чуқур билладиган, дунёқараши кенг олим ва олималар ролини бажарадилар. Синфнинг қолган ўқувчилари, матбуотчилар, талабалар ролида қатнашиб, белгиланган мавзу бўйича дарсга таклиф қилинган олим ва олималарга саволлар берадилар.

Бу дарсда фан ўқитувчиси назоратчи сифатида иштирок этади, чунки олим ва олималар ролидаги ўқувчилар агар камчиликка йўл қўйсалар, назоратчи ролидаги ўқитувчи буни тўғрилайди.

Дарс бошланишидан олдин ўқувчилар синф хонасини дарсга тайёрлайдилар, чунки улар дарс мавзусини, дарс қайси куни бўлишини яхши билладилар. Дарсни ташкил қилишда ўқитувчининг энг яқин ёрдамчиси бу синф бошлиғидир. Дарс бошланишидан олдин доска олдида оддий президум ташкил қилинади. Бу президумга ўқитувчи томонидан тайинланган олим ва олималар ўтирадилар. Улар олдида унвонлари ёзиб қўйилади. Масалан:

**Ботиров Анвар Каримович**  
т.ф.н., дотцент

**Мансуров Парвиз Шавкатович**  
т.ф.н. дотцент

**Қурбонов Нафиса Олимовна**  
т.ф.н. дотцент

Бу дарсга мактаб маъмуриятдан ва педагогик жамоадан ўқитувчилар таклиф қилинади. Дарс куйидаги режа асосида ўтказилади:

Дарс режаси:

1. Ўқитувчининг кириш сўзи; 2. Савол – жавоб; 3. Баҳс, мунозара (мавзуга доир); 4. Олимларнинг сирли саволлари; 5. Дарснинг якуни. [3, 21].

Матбуот дарсини фан ўқитувчилари бошлаб, олим ва олималарни чиройли қарсақлар билан ўқувчиларга таништиради. Ўтирган синфдаги ўқувчиларни ўқитувчи матбуотчилар, абитуриентлар ва ёш

## TARIXIY HAQIQATNI O'RGANISH ZARURATI

NavDPI "Milliy g'oya, ma'naviyat asoslari va huquq ta'limi" yo'nalishi talabasi Husanov A.

Ilmiy rahbar: NavDPI "Milliy g'oya, ma'naviyat

asoslari va huquq ta'limi" kafedrasida o'qituvchisi V. Ashirov .....259

## BARKAMOL AVLOD TARBIYASIDA "AVESTO"DAGI MA'NAVIY-AXLOQIY QARASHLARDAN FOYDALANISH

M. Nuriddinova, Navoiy shahridagi 5- umum ta'lim maktabi tarix fani o'qituvchisi.....260

## ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ МУСТАХҚАМЛАШДА ИЛГОР ИНФОРМАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

M. M. Temirova, KJKon, KDKPI o'qituvchisi.....262

## TARIX DARSLARIDA MUTAFAKKIRLARNING MA'NAVIY MEROSLARIDAN FOYDALANISH

O'tayeva F. X. - BuxDU, Buxoro tarixi kafedrasida katta o'qituvchi

Qurbonov M. A. - BuxDU, Tarix va madaniy meros fakulteti iqtidorli talaba.....266

## TARIX DARSLARIDA SAMARADORLIKNI OSHIRISHDA SANJAT ASARLARIDAN FOYDALANISHNING IJOLLARI

S. A. Xaydarov, TVCHDI Gumanitar fanlar fakulteti, PhD.

Tarix kafedrasida katta o'qituvchisi.....267

## TARIX O'QITISH METODLARI VA ULARNING TURKUMLANISHI

M. Beshimov, BuxDU, Buxoro tarixi kafedrasida o'qituvchisi.....269

## ПРЕСС-КОНФЕРЕНЦИЯ ДАРСИ ВА УНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ИJOLLARI

A. A. Xomidov - t. f. n., docent

J. A. Abdulkarimov - t. f. n., docent

Akademik B. Gafurov nomidagi Xujand davlat universiteti.....271

---

---

### ZAMONAVIY TARIX FANI METODOLOGIYASINING DOLZARB MUAMMOLARI

mavzusidagi

Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari

2021-yil 24-mart

© Navoiy davlat pedagogika instituti, 2021-y.

Bosishga ruxsat berildi: 23.03.2021-y. Qog'oz bichimi 80x64 1/8

Hajmi 34,5 bosma taboq. Adadi 100 nusxa.

Bosmaxona manzili: Navoiy shahri, Ibn Sino ko'chasi 45-uy,

NavDPI kichik bosmaxonasi

---

---